

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Туризмни тиклаш учун янги имтиёзлар

Президентнинг 2020 йил 28 майдаги ПФ-6002-сон Фармони билан пандемиянинг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар белгиланди.

2020 йилнинг 1 июнидан бошлаб «яшил» ва «сарик» тоифадаги ҳудудларда яна туроператорлар, турагентликлар, жойлаштириш воситалари, маданият ва маданий мерос объектлари ҳамда соҳанинг бошқа ташкилотлари фаолиятини қайтадан бошлашлари рухсат берилди. Шарти – санитария-гигиена меъёрлари ва талабларига қатъий риоя этиши.

Кириш туризми босқичма-босқич тикланади. Фуқароларига Ўзбекистонга киришга рухсат этиладиган мамлакатлар рўйхати белгиланади.

Маълумот учун: жойлаштириш воситалари – бу меҳмонхоналар, туристик базалар ва мажмуалар, дам олиш уйлари ва зоналари, пансионатлар, кемпинглар, мотеллар, меҳмон уйлари, ўтов ва чодирли оромгоҳлар, санаторийлар ҳамда меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш бўйича хизматлар) кўрсатиладиган бошқа объектлар, шунингдек жойлаштириш воситаси сифатида тунаб қолиш учун жиҳозланган ер усти транспорти. («Туризм тўғрисида»ги Қонун 15-м.).

Соҳани иқтисодий жиҳатдан «жонлаштириш» учун куйидаги чора-тадбирлар белгиланди.

Биринчидан, туроператорлар, турагентлар, жойлаштириш воситалари учун:

➢ 2020 йил 1 июндан 31 декабрга қадар фойда солиги ставкаси белгиланган ставкага нисбатан 50%га камайтирилади;

➢ 2020 ва 2021 йил якунлари бўйича зарарларни Солиқ кодексига назарда тутилган миқдор билан чекламаган тарзда келгусига ўтказиш ҳуқуқи берилади;

➢ 2021 йил 1 январгача бўлган даврда туристик (меҳмонхона) йиғимини ҳисоблаш ва тўлаш тўхта-тилади.

Иккинчидан, жойлаштириш воситаларига алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун маҳаллий йиғимни тўлашни 2021 йил 1 январгача бўлган муддатга – солиқ органларини хабардор қилиш ва кейинчалик йиғимни 12 ой мобайнида тенг қисмларда тўлаш билан фойсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи тақдим этилди.

Учинчидан, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан қўшимча молиялаштириш назарда тутилган:

а) 2020 йил 1 июндан 31 декабрга қадар бўлган даврда – куйидагиларга (Инқирозга қарши курашиш республика комиссияси томонидан мезонлар белгиланади) 12 ой муддатга бир марталик мақсадли фойсиз ссудалар:

➢ туроператорларга – 2019 йилдаги ўртача ойлик иш ҳақи фондининг 3 бараваридан ошмайдиган миқдорда;

➢ жойлаштириш воситаларига – ҳар бир ётоқ ўрни учун БҲМнинг 5 баравари миқдорига;

б) Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш тартибига мувофиқ туризм соҳасидаги «старт» лойиҳалар ва инновацион бизнес юзларини, шу жумладан, ахборот дастурлари ва хизматларини (Низом, ВМнинг 15.07.2019 йилдаги 189-сон Қарори билан тасдиқланган) – умумий 1,5 млрд сўм миқдорига қисман субсидиялаш;

в) 2020 йил 1 июндан 2021 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда – грантлар ажратиш:

➢ ҳудудларда (Тошкент шаҳри бундан мустасно) хорижий ошхона ёки алоҳида йўналиш бўйича ихтисослашган тематик овқатланиш шохобчалари, овқат ва озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, шунингдек, сувенир маҳсулотларини етказиб бериш бўйича хизматларни ташкил этиш бўйича лойиҳа ташаббускорларига лойиҳа қийматининг 30%, лекин ҳар бир лойиҳа учун 100 млн сўмдан ортқ бўлмаган миқдорда;

➢ янги туризм маҳсулотлари ва йўналишларини ишлаб чиқиш ва тарғиб қилишга гидлар учун 5 млн сўм, туроператорлар учун 10 млн сўм миқдорига.

Тўртинчидан, давлат томонидан қўшимча кўмак кўрсатиш:

а) Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан куйидагиларни субсидиялаш:

➢ жойлаштириш воситаларини куриш учун тижорат банклари томонидан аввал берилган кредитлар бўйича 2020 йил 1 мартдан 1 июнгача бўлган даврда туризм соҳаси субъектларининг фойз харажатлари. 2020 йил 1 июндан 2022 йил 1 январгача бўлган даврда субсидиялар фойз харажатларининг МБ асосий ставкасидан ошган, бироқ 10 фойзлик пунктдан ортқ бўлмаган қисмига берилади;

➢ янги санитария-гигиена талабларига мувофиқлаштириш учун туризм соҳаси субъектларига бериладиган кредитлар бўйича фойз харажатларининг МБ асосий ставкасидан ошган, бироқ 10 фойзлик пунктдан ортқ бўлмаган қисми;

➢ айланма маблағларни тўлдириш учун туризм соҳаси субъектларига бериладиган 1 млрд сўмгача миқдордаги кредитлар бўйича 2020 йил 1 июндан 31 декабрга қадар бўлган даврда фойз харажатларининг МБ асосий ставкасидан ошган, бироқ 10 фойзлик пунктдан ортқ бўлмаган қисми;

б) жойлаштириш воситаларини субсидиялаш кўринишида – 2020 йил 1 июндан 2021 йил 31 декабрга



қадар жойлаштириш бўйича хизматлар (меҳмонхона хизматлари) нархининг 10%и миқдорига;

в) Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

➢ Ўзбекистон резидентлари – туроператорлар ва турагентларга рағбатлантирувчи субсидиялар ажратиш. Тўлов миқдори – олиб келинган ва хизмат кўрсатилган ҳар бир хорижий турист учун 15 АҚШ доллари миқдорига. Бунда ўзбекистонда камида 5 сутка бўлиши керак (истисно – компенсация қилинадиган чартер рейслар орқали олиб келинганлар). Кўмак кириш туризми қайта бошланган кундан эътиборан кириб келувчи хорижий туристларнинг умумий сони 500 миң нафарга етгунга қадар амалга оширилади;

➢ туроператорларнинг авиа ва темир йўл чипталари бўйича харажатларини чипта нархининг 30%и миқдорига қисман субсидиялаш кўринишида. Шарт – 10 кишидан иборат хорижий туристик гуруҳлар учун Ўзбекистонда тур ташкил этиш ва уларнинг жойлаштириш воситаларида камида 5 кеча тунаб қолиши. Кириш туризми қайта бошланган кундан эътиборан 2020 йил 31 декабрга қадар тўланади;

➢ 2021 йил 1 июнга қадар – меҳмонхоналарга тоифа олиш ёки ошириш учун реновация, реконструкция ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича харажатларни олинган тоифани келгуси 3 йил давомида сақлаш шарти билан қоплаш. Қоплаш суммаси меҳмонхонанинг «юлдузи»га боғлиқ ҳолда ҳар бир хона учун ҳисобланади: 3 юлдузли – 5 млн сўм, 4 юлдузли – 10 млн сўм, 5 юлдузли – 15 млн сўм.

Бешинчидан, 2020 йил 1 октябрдан бошлаб жойлаштириш воситаларини куриш учун тижорат банклари томонидан аввал берилган кредитлар бўйича асосий қарз тўлови 18 ойдан 24 ойгача узайтирилади.

Олтинчидан, 2022 йил 1 январга қадар юридик шахслар шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган куйидагилар учун божхона тўловларини тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар ва ҚҚСдан ташқари) озод этилади:

➢ дезинфекция ишларини олиб бориш учун жиҳозлар, техникалар, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари;

➢ бино ва иншоотларни куриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун алоқасиз бошқариладиган (сенсорли) жиҳозлар;

➢ ҳидсиз дезинфекцияловчи воситалар.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тасарруфидagi техникум ва коллежларга 2020 йилда ўқишга қабул қилинган барча тинловчиларга хушхабар – уларни ўқитиш, истисно тариқасида, давлат гранти асосида амалга оширилади.

Олег Заманов, «Norma» МЧК эксперти.

2-бетда

Ушбу
сонда:

3-6-БЕТЛАР

Янги Низом: «прописка» ўрнига «яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш»

7-БЕТ

Талабномасиз қўшимча солиқ ҳисоблаш мумкинми?

8-БЕТ

Кадрлар бўлими: 1 соатлик иш вақтидан ташқари ишга қанча отгул берилади

Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартибига тузатишлар киритилди

Вазирлар Маҳкамасининг 20.05.2020 йилдаги 302-сон қарори билан Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Улар 3 ойдан кейин кучга киради.

Низом қуйидагиларни импорт қилишга рухсат берувчи нормалар билан тўлдирилди:

➤ яроқлилик муддатлари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда қайд этилган яроқлилик муддатларидан фарқ қилган озиқ-овқат маҳсулотлари. Аккредитациядан ўтган лаборатория мажмуалари томонидан уларнинг қайд этилган яроқлилик муддатига мувофиқлиги ва хавфсизлик кўрсаткичларига таҳлиллар ўтказилиб ижобий баҳоланганидан сўнг импорт қилинишига рухсат этилади;

➤ болалар озиқ-овқат маҳсулотлари, болалар ўйинчоқлари, энергетик ичимликлар аккредитациядан ўтган лабораториялар томонидан токсикологик таҳлиллар ўтказилиб, хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича ижобий баҳоланганидан сўнг импорт қилинишига рухсат этилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқлик (нормувофиқлик) тўғрисида берилган санитария-эпидемиологик хулосаларнинг электрон реестрини юртади. Реестр Соғлиқни сақлаш вазирлигининг веб-сайтига жойлаштирилади.

Санитария-эпидемиологик хулосани беришни рад этиш учун асослар рўйхати кенгайтирилмоқда. Қуйидаги ҳолатларда ҳам хулоса берилиши рад этилиши мумкин:

➤ санитария-эпидемиологик хулосани расмийлаштириб бериш вақтида озиқ-овқат маҳсулотининг яроқлилик муддати 60%дан кам бўлганида (ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган умумий яроқлилик муддатига нисбатан фоизда);

➤ халқаро аккредитациядан ўтган лабораториялар томонидан ўтказилган озиқ-овқат маҳсулотлари учун таҳлил баёнлари бўлмаसा;

➤ юқумли касалликларни келтириб чиқарувчи микроорганизмлар билан зарарланганлиги аниқланганда;

➤ радиоактив кўрсаткичларнинг меъёрлардан юқорилиги аниқланганда;

➤ таркибида генетик модификацияланган организмлар белгиланган меъёрлар даражасидан юқори бўлганда;

➤ паразитлар ёки уларнинг тухумлари аниқланганда;

➤ ўтказилган лаборатория синовларининг салбий натижалари олинганда;

➤ ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда.

Шунингдек истеъмол қилишга ва фойдаланишга яроқсиз деб топилган озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, ундан фойдаланиш ёки республика ҳудуди-га олиб киришни тақиқлаш тартиби белгиланди.

Лаборатория синовларининг салбий натижалари

олинганда, масъул санитария врачлари томонидан тегишли далолатнома тузилади. Агентлик, унинг ҳудудий ёки туман (шаҳар) маркази раҳбари далолатнома асосида истеъмолга яроқсиз деб топилган озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, ундан фойдаланиш ёки мамлакатимизга импорт қилишни тақиқлаш тўғрисида қарорни имзолайди. Қарорнинг бир нусхаси ариза-чи-га берилади. Маҳсулотнинг истеъмолга яроқсизлиги республика ҳудудида аниқланган тақдирда, юк эгаси озиқ-овқат маҳсулотини Ўзбекистон Республикаси боғжона ҳудудидан олиб чиқиб кетиши ҳуқуқига эга бўлади.

Истеъмолга яроқсиз деб топилган озиқ-овқат маҳсулотини қайта ишлаш ёки йўқ қилиш усуллари ва шартлари белгиланди. Бунга қадар маҳсулот алоҳида жойда (резервуарда), ҳисобда тўплами, ишлатиш ёки йўқ қилиш усуллари ва шартлари аниқ кўрсатилган ҳолда сақланиши шарт. Бундай маҳсулот тўлиқ сақланиши учун масъулият унинг эгаси зиммасига юкланади. Маҳсулотни экспертиза қилиш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш, йўқ қилиш усуллари ва шартларини белгилаш ёки реэспорт қилиш билан боғлиқ харажатлар унинг эгаси томонидан қопланади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 21.08.2020 йилдан кучга киради.

Эльмира Сиразиева.

Электрон ва қоғоз шаклдаги ҳужжатнинг бир хил юридик кучга эгаллигини нотариус тасдиқлайди

Адлия вазири буйруғи билан (2.05.2020 йил, рўйхат рақами 3113-5) Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Сўз нотариал тасдиқланганидан аризалар, ижара шартномалари ва ишончномалар ҳақида бормоқда. 2020 йил 1 январдан бошлаб нотариуслар ваколатлари кенгайтирилди. Энди улар:

➤ медиатор вазифасини бажаради;

➤ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда судгача бўлган жараёнда далилларни таъминлайди;

➤ муаллифлик ва турдош ҳуқуқ объекти тақдим этилган вақтни тасдиқлайди;

➤ электрон ҳужжатнинг қоғоз шаклидаги ҳужжат билан бир хил юридик кучга эга эканлигини тасдиқлайди.

Электрон ва қоғоз шаклидаги ҳужжатларга батафсил тўхталиб ўтаемиз. Электрон шаклдаги ҳужжатнинг қоғоз шаклда тақдим этилган ҳужжатга мувофиқлиги мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ бўлмаган ҳаракатларни амалга оширишда нотариал тартибда тасдиқланган аризалар, ижара шартномалари ва ишончномаларга нисбатан қўлланади.

Бунда тартиб-таомил ҳужжат унинг номидан тасдиқланган ёки унда тараф сифатида иштирок этган шахснинг мурожаатига асосан амалга оширилади. Нотариус «Нотариус» тизимидаги бошқа нотариус томонидан тасдиқланган ҳужжатнинг файл кўринишини

уни ноёб рақами (ёки бошқа шу каби маълумотлари) орқали электрон файл кўринишида ўтказиб олади. Нотариус томонидан ҳужжат қоғозга чиқариб олингандан кейин унинг асл нусхаси билан бир хил юридик кучга эга эканлиги тўғрисида тасдиқловчи ёзув ёзиб қўйилади. Ҳужжатларнинг бир нусхаси мурожаат қилувчига берилади, иккинчи нусхаси нотариал идорада қолдирилади.

Қуйидагиларнинг бир хилдаги юридик кучга эга эканлиги тасдиқланмайд:

➤ оддий ёзма шаклда амалга оширилган битимнинг электрон шакллари;

➤ шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар қоғоз шаклдаги ҳужжатлар билан.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 2.05.2020 йилдан кучга кирди.

Ленара Хикматова.

Ҳудудларда ёшлар технопаркларни ташкил этилади

Вазирлар Маҳкамасининг 22.05.2020 йилдаги 313-сон қарори билан республика ҳудудларида Ёшлар технопаркларини ташкил этиш чора-тадбирлари белгиланди. Уларнинг асосий вазифалари ёшларнинг интеллектуал, илмий, ижодий салоҳиятини оширишдан иборат.

Технопарклар Инновацион ривожланиш вазирлиги муассислигидаги ва МЧЖ шаклидаги юридик шахс ҳисобланади. Технопарклар фаолияти Вазирлик ҳузуридаги Ёшлар академияси, Технологийлар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш марказлари, илмий

ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Ёшларнинг «стартап» лойиҳаларини амалга ошириш учун ягона майдон ёшларни илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятга кенг жалб этиш, ҳудудларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш имкониятини яратади.

Ҳужжат билан 2020–2023 йилларда республика ҳудудларида Ёшлар технопаркларини босқичма-босқич ташкил этиш режа-жадвали тасдиқланди. Технопарклар резиденти мақоми Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан берилади. Ҳужжатга иловада Ёшлар технопаркнинг намунавий тузилмаси берилган.

Технопарклар бино ва иншоотларини қуриш, қайта таъмирлаш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш харажатлари Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоёларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари, халқаро молия институтлари, ҳомийлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 23.05.2020 йилдан кучга кирди.

Лола Абдуазимова.

УШБУ СОНДА

- **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
1-2-бетлар
- **РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР**
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг қарори
– «Вазирлар Маҳкамасининг

«Ўзбекистон Республикасида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 28 декабрдаги 1049-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»
3-6-бетлар

- **ҲҲЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ**
– Локал стандарт
– Мухрдан қаерда фойдаланиш керак
– Ижарага берувчининг розилиги билан
– Солиқ инспекцияси талабнома юбориши шарт

– Фаолият шакли турлича бўлиши мумкин
7-бет

• **КАДРЛАР БҮЛИМИ**
– Отгул қандай берилиши керак

8-бет



РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДОИМИЙ ВА ВАҚТИНЧА ПРОПИСКА ҚИЛИШ ТАРТИБИНИ ЯНАДА СОДДАЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА» 2019 ЙИЛ 28 ДЕКАБРДАГИ 1049-СОН ҚАРОРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 22 апрелдаги ПФ-5984-сон Фармониغا мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида 2020 йил 1 сентябрдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш юзасидан қуйидаги тартиботлар кучга кириши маълумот учун қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтмасдан истиқомат қилиш муддати 15 кун ҳисобланади;

доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш бир кун ичида расмийлаштирилади;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда аввалги доимий яшаш жойидан рўйхатдан чиқиш тартиби бекор қилинади;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинишини расмийлаштиришда паспорт, уй дафтари ёки хонадон карточкасига рўйхатга олиш шtamпини босиш амалиёти бекор қилинади;

ҳарбий хизматга мажбурларни доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда мудофаа ишлари бўлиmlарига ҳарбий ҳисобдан чиқиш ва ҳарбий ҳисобга туриш учун бориш тартиби бекор қилинади;

Ўзбекистон Республикаси фуқароси солиқ органларида ҳисобга олинган ижара шартномаси ҳақида маълумот тақдим этганда, уни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишда уй-жой эгасининг розилиги талаб этилмайди.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 28 декабрдаги 1049-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 декабрдаги 1049-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш, пропискадан чиқариш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низом 2020 йил 1 сентябрдан, ушбу низомнинг 66–67-бандлари эса мазкур қарор эълон қилинган кундан эътиборан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаадор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликка етказиш юзасидан кенг қўламли тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилишини таъминласин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р.Бобожонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
А.АРИПОВ.

Тошкент ш.,
2020 йил 22 май
320-сон.

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 23.05.2020 йилдан кучга киради.

Реклама



«СОЛИҚЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таълимаржон кўч., 1/1. Тел. (71) 200-00-90.

E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДОИМИЙ ВА ВАҚТИНЧА ПРОПИСКА ҚИЛИШ ТАРТИБИНИ ЯНАДА СОДДАЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА» 2019 ЙИЛ 28 ДЕКАБРДАГИ 1049-СОН ҚАРОРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. Қарор номидаги «доимий ва вақтинча прописка қилиш» сўзлари «фуқароларни доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 1-бандда:

иккинчи хатбошидаги «доимий прописка қилиш, пропискадан чиқариш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш» сўзлари «фуқароларни доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низоом 1а-иловага мувофиқ»;
учинчи-тўртинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи–бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. 3-банднинг матни қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Фуқаролар 2021 йил 1 январдан бошлаб, вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга туриш юзасидан ўзларига қўлай бўлган туман (шаҳар) ички ишлар органлари ёки Давлат хизматлари марказларига мурожаат қилишлари мумкинлиги белгилаб қўйилсин».

4. 4-банднинг матни қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Ҳодимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат бошқаруви органлари, ҳўжалик бирлашмалари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташки-

лотлари рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Давлат ҳокимияти органлари, давлат бошқаруви органлари, ҳўжалик бирлашмалари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари раҳбарлари ишга тақлиф этилган юқори малакали мутахассисларга ва тор ихтисосликдаги мутахассисларга Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш учун асосланмаган илтимосномалар берганлиги учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирилсин».

5. 5-бандда:

биринчи хатбошидаги «ва вақтинча прописка қилиш, турган жойи бўйича ҳисобга олиш» сўзлари «яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «прописка қилиш, пропискадан чиқариш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш» сўзлари «доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш ҳамда доимий рўйхатга олинганликни бекор қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «прописка қилиш ёки турган жойи бўйича ҳисобга олиш» сўзлари «яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «прописка қилиш ёки турган жойи бўйича ҳисобга олиш» сўзлари «яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «аҳамиятига» сўзи «рўйхатга» сўзи билан алмаштирилсин.

6. Қуйидаги мазмундаги 1а-илова* қўшилсин:

«ЎзР ВМнинг 2019 йил 28 декабрдаги 1049-сон қарорига
1а-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ДОИМИЙ ЯШАШ ВА ВАҚТИНЧА ТУРГАН ЖОЙИ БЎЙИЧА РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низоом Ўзбекистон Республикаси фуқароларини (кейинги ўринларда – фуқаролар) Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш (кейинги ўринларда – доимий яшаш) ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш (кейинги ўринларда – вақтинча рўйхат) тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низоомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

васийлик – ўн тўрт ёшга тўлмаган етим болалар ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, шунингдек, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида уларни жойлаштиришнинг ҳуқуқий шакли;

даволаш муассасалари – санаторийлар, даволаш пансионатлари, давлат тасаруфидаги ва хусусий клиниклар, шифохоналар, касалхоналар ва бошқа тиббий муассасалар;

жойлаштириш воситалари – меҳмонхоналар, апартаментлар, апартаментлар комплекси (резиденция), спа-меҳмонхоналар, бутик-отеллар, мотеллар, туристик лагерлар, дам олиш уйлари ва зоналари, туристик қишлоқлар, кемпинглар, санаторийлар, пансионатлар, дам олиш зоналари ва уйлари (марказлари), туризм ва спорт базалари, палаткали (кемпинг) лагерлар ва комплекслар, оилавий меҳмон уйлари, ўтов ва палаткали лагерлар ва бошқа объектлар, шунингдек, тунаш учун қайта жиҳозланган ер усти автотранспортлари;

қариндошлар – ўзларининг тўғри шajara бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари (болалар ота-онасига нисбатан тўғри шажарадаги биринчи, неваря бобосига, бувсига нисбатан иккинчи даражадаги қариндош ҳисобланади);

меҳнатга қобилиятсиз фуқаролар – болаликдан ногиронлар, олтимиш ёшга тўлган эркаклар ва эллик беш ёшга тўлган аёллар, белгиланган тартибда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногирони деб топилган фуқаролар;

ҳарбий-ҳисоб ҳужжатлари – қақирву часткасида қайд этилганлиги ҳақидаги гувоҳнома (қақирлув-чилар учун), ҳарбий гувоҳнома ва захирадаги офицернинг гувоҳномаси (ҳарбий хизматта мажбурлар учун);

ҳомийлик – ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган етим болалар ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, шунингдек, суд томонидан муомала лаёқати чекланган фуқароларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида уларни жойлаштиришнинг ҳуқуқий шакли;

«Е-меҳмон» дастури – меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситаларида яшовчиларни ҳисобга олишнинг махсус электрон автоматлаштирилган дастури.

3. Фуқаролар қонун ҳужжатларига мувофиқ доимий яшаш ва (ёки) вақтинча турган жойлари бўйича рўйхатдан ўтишлари шарт.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, фуқаронинг доимий ва вақтинча рўйхатдан ўтмаганлиги унга хизмат кўрсатиши райд этиш учун асос бўлиши мумкин эмас.

*1а-илова 2020 йил 1 сентябрдан эътиборан қучга қиради.

Фуқаролар янги яшаш жойига келган кундан эътиборан ун беш кун ичида ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлиммалари (кейинги ўринларда – МваФРБ), Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали доимий ёки вақтинча рўйхатдан ўтишлари шарт.

Туғилган болага фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари (кейинги ўринларда – ФХДЁ) томонидан туғилганлик тўғрисида гувоҳнома расмийлаштирилганда, у отаси ёки онасининг доимий рўйхатга олинган манзилда идораларо автоматлаштирилган тизим орқали маълумотларни киритиш йўли билан доимий рўйхатга олинади.

16 ёшга тўлмаган фуқаро унинг ота-онаси ёки васийси (ҳомийси), тутинган ота-онаси доимий рўйхатга олинган манзилда доимий ёки вақтинча рўйхатга олиниши шарт.

4. Давлат хизматларини кўрсатиш учун давлат божи «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунда белгиланган миқдорларда ундирилади.

Давлат божи суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этганда:

20 фоизи – тегишлича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурдаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига;

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига;

қолган маблағлар – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобига ўтказилади;

б) МваФРБга ўзи келиб мурожаат этганда:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади;

қолган маблағлар – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобига ўтказилади;

в) ЯИДХП орқали мурожаат этганда:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурдаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади;

11,25 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги «Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази» ДУКнинг ҳисобрақамига ўтказилади;

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади;

қолган маблағлар – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобига ўтказилади.

2-БОБ. ФУҚАРОЛАРНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ДОИМИЙ РҲЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБИ

5. Фуқаролар «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан тасдиқланган Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифалари рўйхатига (кейинги ўринларда – Рўйхат) мувофиқ доимий рўйхатга олинади.

Рўйхатда назарда тутилмаган шахслар тоифаси Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олинмайди.

6. Фуқаролар доимий ёки вақтинча рўйхатга ўтишни расмийлаштириш учун тегишинча Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида яшаб турган жойларига яқин бўлган МваФРБ ва Давлат хизматлари марказларига мурожаат қилишлари ҳамда ЯИДХПдан фойдаланишлари мумкин.

Давлат хизматлари марказлари ва ЯИДХП орқали рўйхатнинг 1, 6 ва 7-бандларига мансуб фуқаролар доимий рўйхатдан ўтишлари мумкин.

7. Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудларида доимий рўйхатга олинган фуқароларнинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулкни умумий мулк асосида олишига қаратилган

олди-сотди, айирбошлаш, ҳада, рента, умрбод таъминлаш шarti билан ўзага бериш, шунингдек, гаровга (ипотекага) қўйиш, кўчмас мулкдан (кўчмас мулкнинг бир қисмидан) воз кечиш ва кўчмас мулкни ўзага беришининг бошқа усулларига оид битимларни нотарий тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказишга йўл қўйилмайди.

8. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатдан ўтказишда, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексига белгиланган бир киши учун турар-жой майдонининг ижтимоий нормаси тўғрисидаги қоидаларга риоя этилиши шарт, ушбу Низомнинг 30-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

9. Қонун ҳужжатлари мувофиқ уй-жойга эга бўлган фуқаролар Рўйхатнинг 1-бандига асосан доимий рўйхатга олинадилар.

Бунда доимий рўйхатга олиниш учун МваФРБга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

мазкур Низомга 1-иловага** мувофиқ уй-жой мулкдор (пар)нинг (кейинги ўринларда – мулкдор) аризаси ёхуд нотарий тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бориш имкони мавжуд бўлмаса;

доимий рўйхатга олинаётган фуқаронинг паспорти ёки ID-картаси;

ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари.

Рўйхатнинг 1 ва 8-бандлари асосида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олинган фуқароларнинг қариндошлари Рўйхатнинг 2 ва 5-бандлари асосида доимий рўйхатга олинади.

10. Қариндошлар – ўзларнинг тўғри шажараси бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошларининг яшаш жойи бўйича доимий рўйхатга олинган ёки хусусий мулки бўлган уй-жой майдонига Рўйхатнинг 2-бандига мувофиқ доимий рўйхатга олинади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган фуқароларни доимий рўйхатга олиш учун МваФРБга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ мулкдор аризаси ёхуд нотарий тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бориш имкони мавжуд бўлмаса;

доимий рўйхатга олинаётган фуқаронинг паспорти ёки ID-картаси, ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари ёхуд Ўзбекистон Республикаси Қуролини Кучларининг контракт бўйича ҳарбий хизматчисининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

доимий рўйхатга олинаётган фуқаронинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси.

Вояга етмаган шахсининг хусусий мулки бўлган уй-жой майдонига унинг қариндошларини доимий рўйхатга олиш ота-онасининг ёки васийнинг (ҳомийнинг) розилиги асосида ҳал этилади.

11. Рўйхатнинг 3-бандига мувофиқ васийлик ва ҳомийликдаги ҳамда оилага тарбияга олинган (патронат) шахслар – васий (ҳомий), тутинган ота ёки она доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига доимий рўйхатга олинади.

Тарбиялаш, даволаш ва бошқа муассасалардаги етим болалар, ота-оналарининг қаровисиз қолган болалар, шунингдек, қариялар уйларидаги шахслар кўрсатиб ўтилган муассасалар томонидан берилган турар жойга Рўйхатнинг 3-бандига биноан доимий рўйхатга олинади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган фуқароларни доимий рўйхатга олиш учун МваФРБга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ мулкдор аризаси ёхуд нотарий тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бориш имкони мавжуд бўлмаса;

васийликдаги (ҳомийликдаги) ҳамда оилага тарбияга олинган (патронат) шахсининг паспорти ёки ID-картаси ёхуд туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси;

васийликини (ҳомийликини) тасдиқловчи ҳужжатлар ҳамда оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишув.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олинган васийликдаги (ҳомийликдаги) ҳамда оилага тарбияга олинган

**1–12-иловалар берилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТда ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

(патронат) фуқароларнинг қариндошлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олинмайди.

Васийликдаги (ҳомийликдаги) ҳамда оилага тарбияга олинган (патронат) фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудида истиқомат қиладиган фуқаролар билан қонуний никоҳдан ўтган ҳолларда, ушбу фуқаролар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида Рўйхатнинг 5-бандига мувофиқ доимий рўйхатга олинади.

12. Рўйхатнинг 4-бандига мувофиқ ота-онаси бўлмаган вояга етмаган туғилган ака-ука ва опа-сингиллар, шунингдек, меҳнатга қобилиятсиз бўлган ҳамда ўз оиласи (эри (хотини) ва фарзандлари) бўлмаган вояга етган туғилган ака-ука ва опа-сингиллар – ўзларининг туғилган ака-ука ёки опа-сингиллари доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига доимий рўйхатга олинади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисига кўрсатилган фуқароларни доимий рўйхатга олиш учун МваФРБга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ мулкдор аризаси ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бориш имкони мавжуд бўлмаса;

доимий рўйхатга олинаётган фуқаронинг паспорти ёки ID-картаси;

туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар; тиббий-меҳнат эксперт комиссияси маълумотномаси (меҳнатга қобилиятсиз фуқаролар учун).

13. Рўйхатнинг 5-бандига мувофиқ эр (хотин) – хотини (эри) доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига доимий рўйхатга олинади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисига кўрсатилган фуқароларни доимий рўйхатга олиш учун МваФРБга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ мулкдор аризаси ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бориш имкони мавжуд бўлмаса;

доимий рўйхатга олинаётган фуқаронинг паспорти ёки ID-картаси, ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари ёхуд Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг контракт бўйича ҳарбий хизматчисининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун).

Рўйхатнинг 5-бандига мувофиқ доимий рўйхатга олинadиган фуқароларнинг олдинги никоҳдан ёки никоҳсиз туғилган фарзандлари (ўз оиласига эга бўлмаган) Рўйхатнинг 2-банди бўйича доимий рўйхатга олинади.

Никоҳ ҳорижий давлатда қайд этилган фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг консуллик легаллаштириш қонун ҳужжатлари талаблари асосида расмийлаштирилган ёки Ҳорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) талабларига мувофиқ апоستль белгиси қўйилган никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани тақдим этади.

«Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Конвенцияга (1993 йил 22 январь, Минск) ҳамда «Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Конвенцияга (Кишинёв, 2002 йил 7 октябрь) аъзо давлатларда никоҳи қайд этилган фуқаролар томонидан ушбу давлатлар қонун ҳужжатлари талаблари асосида тасдиқланган никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома тақдим этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси билан расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи икки томонлама халқаро шартнома тузилган давлатлар ҳудудида никоҳи қайд этилган фуқаролар томонидан тақдим этиладиган никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномага консуллик қонунлаштирилиши ёки апостль белгисини қўйиш талаб этилмайди.

14. Рўйхатнинг 6-бандига мувофиқ Тошкент шаҳрида доимий рўйхатга олинган фуқаролар – Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олиш масаласи юзасидан мурожаат этган тақдирда, доимий рўйхатга олинади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисига кўрсатилган фуқароларни доимий рўйхатга олиш учун МваФРБга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ мулкдор аризаси ёки нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бориш имкони мавжуд бўлмаса;

доимий рўйхатга олинаётган фуқаронинг паспорти ёки ID-картаси, ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари ёхуд Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг контракт бўйича ҳарбий хизматчисининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, шунингдек, васийлик ёхуд ҳомийликни тасдиқлайдиган ҳужжатлар.

15. Рўйхатнинг 7-бандига мувофиқ Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олинган фуқаролар – Тошкент вилоятида бошқа манзил бўйича доимий рўйхатга олиш масаласи юзасидан мурожаат этган тақдирда, доимий рўйхатга олинади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисига кўрсатилган фуқароларни доимий рўйхатга олиш учун МваФРБга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ мулкдор аризаси ёки нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бориш имкони мавжуд бўлмаса;

доимий рўйхатга олинаётган фуқаронинг паспорти ёки ID-картаси, ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари ёхуд Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг контракт бўйича ҳарбий хизматчисининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, шунингдек, васийликни (ҳомийликни) тасдиқлайдиган ҳужжатлар.

16. Рўйхатнинг 8-бандига мувофиқ илгари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олинган фуқаролар доимий яшаш учун тегишсиз Тошкент шаҳрига ва Тошкент вилоятига қайтиб келганда, доимий рўйхатга олинади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисига кўрсатилган фуқароларни доимий рўйхатга олиш учун МваФРБга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ мулкдор аризаси ёки нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бориш имкони мавжуд бўлмаса;

доимий рўйхатга олинаётган фуқаронинг паспорти ёки ID-картаси, ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари ёхуд Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг контракт бўйича ҳарбий хизматчисининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, шунингдек, васийликни (ҳомийликни) тасдиқлайдиган ҳужжатлар.

17. Рўйхатнинг 9-бандига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси томонидан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда лавозимларга сайланган, тайинланган, тасдиқланган фуқаролар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек, уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) доимий рўйхатга олинади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисига кўрсатилган фуқароларни доимий рўйхатга олиш учун МваФРБга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ мулкдор аризаси ёки нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бориш имкони мавжуд бўлмаса;

доимий рўйхатга олинаётган фуқаронинг паспорти ёки ID-картаси, ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари ёхуд Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг контракт бўйича ҳарбий хизматчисининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, шунингдек, васийликни (ҳомийликни) тасдиқлайдиган ҳужжатлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда лавозимларга сайлаш, тайинлаш, тасдиқлаш тўғрисидаги маълумотлар электрон ҳамкорлик тизими орқали МваФРБ томонидан олинади.

18. Рўйхатнинг 10-бандига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайланган фуқаролар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек, уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) доимий рўйхатга олинади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисига кўрсатилган фуқароларни доимий рўйхатга олиш учун МваФРБга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

мазкур Низома 1-иловага мувофиқ мулкдор аризаси ёки нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бориш имкони мавжуд бўлмаса;

доимий рўйхатга олинаётган фуқаронинг паспорти ёки ID-картаси, ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари;

болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, шунингдек, васийлик ёхуд ҳомийликни тасдиқлайдиган ҳужжатлар.

Давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайланганлик тўғрисидаги маълумотлар идораларо электрон ҳамкорлик тизими орқали МваФРБ томонидан олинади.

19. Рўйхатнинг 11-бандига мувофиқ давлат ҳокимияти органлари, давлат бошқаруви органлари, ҳўжалик бирлашмаларига, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларига ишга тақлиф этилаётган юқори малакали мутахассислар, тор ихтисосликдаги мутахассислар тегишли орган ёки ташкилот раҳбарининг илтимосномасига кўра, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек, уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) доимий рўйхатга олинади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисига кўрсатилган фуқароларни доимий рўйхатга олиш учун МваФРБга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

мазкур Низома 1-иловага мувофиқ мулкдор аризаси ёки нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бориш имкони мавжуд бўлмаса;

доимий рўйхатга олинаётган фуқаронинг паспорти ёки ID-картаси, ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари;

болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, шунингдек, васийлик (ҳомийликни) тасдиқлайдиган ҳужжатлар.

Давлат ҳокимияти органлари, давлат бошқаруви органлари, ҳўжалик бирлашмалари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилоти раҳбарининг мазкур Низома 2-иловага** мувофиқ шаклда ишга тақлиф этилаётган фуқарони (юқори малакали мутахассис ёки тор ихтисосликдаги мутахассис) доимий рўйхатга олиш тўғрисидаги электрон илтимоснома электрон ҳамкорлик тизими орқали МваФРБ томонидан олинади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардияси, прокуратура ёки адлия органларига ишга қабул қилинган (контракт бўйича ҳарбий хизматга кирган) ёки ўтказилган тақдирда, ишга қабул қилинаётган (контракт бўйича ҳарбий хизматга қираётган) шахсни (ҳодимни, ҳарбий хизматчини) доимий рўйхатга олиш тўғрисидаги электрон илтимоснома мазкур органлар раҳбарларининг ўринбосарлари томонидан ҳам изоляцини мумкин.

20. Рўйхатнинг 11-бандига мувофиқ давлат ҳокимияти органлари, давлат бошқаруви органлари, ҳўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа давлат ташкилотларида узлуқсиз беш йил ва ундан ортиқ бўлган давр мобайнида меҳнат фойлиятини олиб бораётган мутахассислар (техник, хизмат кўрсатувчи ва ишлаб чиқариш ҳодимларидан ташқари) тегишли орган ёки ташкилотнинг маълумотномасига кўра, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек, уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) доимий рўйхатга олинади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисига кўрсатилган фуқароларни доимий рўйхатга олиш учун МваФРБга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

мазкур Низома 1-иловага мувофиқ мулкдор аризаси ёки нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бориш имкони мавжуд бўлмаса;

доимий рўйхатга олинаётган фуқаронинг паспорти ёки ID-картаси, ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари;

болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, шунингдек, васийлик ёхуд ҳомийликни тасдиқлайдиган ҳужжатлар; тегишли орган ёки ташкилот маълумотномаси.

Мутахассиснинг илгари давлат ҳокимиятининг бошқа органларида, давлат бошқаруви органларида, ҳўжалик бирлашмаларида ишлаганлиги доимий рўйхатга олишда узлуқсиз беш йил ва ундан ортиқ бўлган давр деб инобатга олинади. Бунда мутахассиснинг рўйхатдаги орган ва ташкилотнинг бирдан бошқасига ишга ўтган оралик мuddати бир ойдан ошмаслиги лозим.

Мутахассисларнинг асосий лавозимлари ва касблари классификатори Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

21. Рўйхатнинг 12-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 сентябрдаги ПҚ-694-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низома мувофиқ уй-жой билан таъминланган ҳарбий хизматчилар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек, уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) доимий рўйхатга олинади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисига кўрсатилган фуқароларни доимий рўйхатга олиш учун МваФРБга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

мазкур Низома 1-иловага мувофиқ мулкдор аризаси ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бориш имкони мавжуд бўлмаса;

доимий рўйхатга олинаётган фуқаронинг паспорти ёки ID-картаси, ёхуд Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг контракт бўйича ҳарбий хизматчисининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, шунингдек, васийликни (ҳомийликни) тасдиқлайдиган ҳужжатлар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 сентябрдаги ПҚ-694-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини тузар жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низома мувофиқ ҳарбий хизматчи хизмат қилаётган жойдан берилган тузар жой олинганлиги тўғрисидаги маълумотнома.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 сентябрдаги ПҚ-694-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низома мувофиқ ҳарбий хизматчи хизмат қилаётган жойдан берилган тузар жойни белгиланган тартибда хусусий мулк қилиб олганда, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ уй-жой олганда улар Рўйхатнинг 1-бандига асосан доимий рўйхатга олинади.

22. Қуйидаги маълумотлар идораларо маълумот алмашинуви тизими орқали олинади (агар улар тизимда мавжуд бўлса): туғилганлик, никоҳ тузилганлиги ёки ажрашганлиги, ўлим тўғрисидаги гувоҳномалар – «ФХД»нинг ягона электрон архиви» ахборот тизимидан;

уй-жой ва фуқаро ҳақидаги маълумотлар – кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри базасидан;

васийлик ва ҳомийлик ҳамда патронати тасдиқловчи маълумотлар – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг электрон базасидан.

23. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган фуқарога тегишли бўлган уй-жой майдонида доимий рўйхатга олиш учун унинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари га мувофиқ нотариал тартибда тасдиқланган розилиги талаб этилади.

Фуқаро «Фуқаролик, оилавий ва жиной ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Конвенцияга (Минск, 1993 йил 22 январь) ҳамда «Фуқаролик, оилавий ва жиной ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Конвенцияга (Кишинёв, 2002 йил 7 октябрь) аъзо давлатлар ҳудудида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси билан расмий ҳужжатлари леголлаштириш талабини бекор қилувчи икки томонлама ҳалқаро шартнома тузилган давлатлар ҳудудида бўлган тақдирда, унинг розилиги тегишли давлат қонунчилигига мувофиқ тасдиқланиши мумкин.

Фуқаро Хорижий расмий ҳужжатлари леголлаштириш талабини бекор қилувчи Конвенцияга (Гаага, 1961 йил 5 октябрь)

аъзо давлат ҳудудига бўлганда, унинг розилиги ушбу Конвенция талабларига мувофиқ аполстиль белгиси орқали тасдиқланиши мумкин.

24. Такдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ҳақиқийлиги текширилиб, фуқаро Рўйхатда назарда тутилган шахслар тоифасига мувофиқ бўлган тақдирда, шу куннинг ўзига 3-иловага** мувофиқ доимий рўйхатга олишни расмийлаштириш юзасидан электрон сўровнома шакллантирилади.

Фуқаронинг сўровига кўра, Рўйхатнинг 1, 4, 6-8-бандларига асосан доимий рўйхатга олиш расмийлаштирилганда ушбу Низомга 4-иловага**, Рўйхатнинг 2, 3, 5, 9-12-бандларига асосан доимий рўйхатга олиш расмийлаштирилганда ушбу Низомга 5-иловага** мувофиқ QR-CODE билан ҳимояланган қайд варағи такдим этилади.

Паспорт ёки ID-карта олинганда, алмаштирилганда, бу ҳақдаги маълумотлар «Манзил» тизимида масъул ходим томонидан янгиланади.

25. Доимий рўйхатга олиш учун фуқаро ва мулкдор Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шаклдаги сўровнома электрон шаклда тўлдирилади.

Сўровнома қўйидаги ҳужжатларга асосан тўлдирилади: мулкдор ва доимий рўйхатга олинаётган фуқаронинг паспорти ёки ID-картаси;

16 ёшга тўлмаган шахслар учун – турилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг контракт бўйича ҳарбий хизматчисининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида ршайдиган ҳарбий хизматчилар учун); ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари.

ЯИДХП орқали хизмат кўрсатилганда, зарур маълумотлар сўровномага киритилганда сўнг мулкдор уни ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди.

Электрон рақамли имзоси бўлмаган ҳолларда, шахсий имзо ва идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

Давлат хизматлари маркази орқали мурожаат этилганда, мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ мулкдор аризаси ёхуд нотариял тасдиқланган аризаси (розилиги) такдим этилади.

Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали хизмат кўрсатилганда, МваФРБ томонидан лозим бўлган маълумотлар идоралардан электрон ҳамкорлик тизими орқали олинади.

26. Доимий рўйхатга олиш мазкур Низомга 6 ва 7-илваларга** мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

27. Такдим этилган ҳужжатларнинг ва сўровномадаги маълумотларнинг тўлиқ бўлмаслиги, уларда нотўғри маълумотлар кўрсатилиши, шунингдек, доимий рўйхатга олиш учун давлат божи тўламаслик доимий рўйхатга олишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Доимий рўйхатга олишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

Доимий рўйхатга олишни рад этилиши юзасидан суд тартибда шикоят қилиш мумкин.

28. Вояга етмаганлар доимий рўйхатга олинган, бироқ «Манзил» тизимига киритилмаган ҳолларда, аввалги яшаш жойидаги МваФРБ томонидан «Манзил» тизимига киритилиши шарт.

Рўйхатнинг 2-банди асосида доимий рўйхатга олинаётган вояга етмаганлар аввалги яшаш жойи бўйича МваФРБнинг доимий рўйхатга олинмаганлиги тўғрисидаги электрон маълумотномаси асосида рўйхатга олинади.

29. Рўйхатнинг 9¹²-бандлари бўйича доимий рўйхатга олинган фуқаролар ва улар билан бир вақтда доимий рўйхатга олинмаган оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек, ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига мулкдор розилиги билан тегишинча Рўйхатнинг 9¹²-бандлари бўйича доимий рўйхатга олинади.

30. МваФРБ томонидан доимий ёки вақтинча рўйхатга олинган 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган ҳарбий хизматга мажбур фуқаролар тўғрисидаги маълумотлар ҳудудий мудофаа ишлари бўлиmlарига реал вақт режимида электрон тизим орқали юборилади.

31. Мулкдор ўз оила аъзоларини ва бошқа шахсларни доимий рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига эга.

Қўйидаги фуқароларни доимий рўйхатга олишда Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига белгиланган бир қиши учун турар жой майдонининг ижтимоий нормаси тўғрисидаги қоидалар қўлланилмайди:

эр-хотин – бир-бирининг доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига;

ота-оналар, фарзандлар – бир-бирининг доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига;

Бобо-буви, неваралар – бир-бирининг доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига;

васийликдаги (ҳомийликдаги) ҳамда оилага тарбияга олинган (патронат) шахслар – васий (ҳомий), тутинган ота ёки она доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига;

балогатга етмаган, ота-онаси бўлмаган туғилган ака-укалар, опа-сингиллар, шунингдек, меҳнатга лаёқатсиз туғилган ака-укалар, опа-сингиллар, агар уларнинг ўз оилалари бўлмаса, ёшидан қатъи назар, акаси, укаси, опаси, синглисининг рўйхатга олинган уй-жой майдонига;

Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олинган туғилган ака-укалар, опа-сингиллар – бир-бирининг доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига;

илгари мазкур аҳоли пунктида яшаган, меҳнат шартномаси билан ишлаш учун вақтинча бошқа жойга кетган шахслар, шунингдек, амалдаги қонунчиликка мувофиқ вақтинча бошқа жойга кетганда, уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қоладиган фуқаролар – олдинги истиқомат жойига ёки қариндошларининг уй-жой майдонига;

озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахслар – олдинги истиқомат жойига, ўз оила аъзоларининг, қариндошлари ёки ҳужм қилинганга қадар яшаб турган бошқа шахсларнинг уй-жой майдонига;

муддатли ҳарбий хизмат тугагандан сўнг Қуролли Кучлар резервига бўшатишган ҳарбий хизматчилар – олдинги истиқомат жойига, ота-онаси ёки бошқа қариндошларининг уй-жой майдонига.

3-БОБ. ДОИМИЙ РЎЙХАТГА ОЛИНГАНЛИКНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

32. Фуқаронинг доимий рўйхатга олинганлиги қўйидаги ҳолларда МваФРБ томонидан бекор қилинади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бир манзилдан бошқа манзилга доимий рўйхатга олинганда;

мулкдорнинг аризасига кўра – Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексига белгиланган бир қиши учун турар жой майдонининг ижтимоий нормаси тўғрисидаги қоидалар асосида доимий рўйхатга олинган фуқаролар;

мулкдор ўзгарганда, унинг аризаси ва уй-жойга эгаллик қилишни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида;

суднинг фуқарони уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, шахсини бедарак йўқолган деб топиш ва кўчириш ҳақидаги қарори асосида;

фуқаро қонунда белгиланган тартибда хоригига доимий яшашга кетганда;

сохта ҳужжатлар ёки ҳақиқатга мувофиқ бўлмаган ҳужжатлар асосида доимий рўйхатга олинганлиги аниқланганда – суднинг қонуний қучга кирган айбон ҳукми асосида;

умрбод озодликдан маҳрум қилинганда – суднинг қонуний қучга кирган айбон ҳукми асосида;

вафот этганда – ФХДЕ органининг ўлим ҳақидаги гувоҳномаси ёки маълумотномаси асосида.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг доимий рўйхатини бекор қилиш маҳкумнинг ишончномаси асосида ёки уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотганлик ҳақидаги суд қарорига мувофиқ амалга оширилади.

33. Доимий рўйхатга олиш ва доимий рўйхатга олинганлики бекор қилиш учун асос бўлган ҳужжатлар номенклатура бўйича йигмажилдларга тикилади ҳамда МваФРБда беш йил давомида сақланади.

34. Доимий рўйхатга олиш рад этилган тақдирда, фуқароларга шу куннинг ўзида асосланган жавоб хати берилади.

35. Фуқароларнинг паспортда мавжуд бўлган олдинги яшаш манзили бўйича доимий рўйхатга олинганлиги мазкур Низомга 8-иловага** мувофиқ штамп асосида бекор қилинади.

4-БОБ. ФУҚАРОЛАРНИ ВАҚТИНЧА РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБИ

36. Фуқарони Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятинда яшаш жойи бўйича фуқаронинг доимий рўйхатини бекор қилмаган ҳолда, мулкдорнинг аризасида ёки солиқ идораларида ҳисобга олинган ижара шартномасида қўрсатилган, бироқ бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга вақтинча рўйхатга олинади.

Доимий рўйхатга олинмаганлик вақтинча рўйхатга олишни рад этиш учун асос ҳисобланмайди.

37. Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятидаги жойлаштириш вositаларига келган фуқаролар ушбу жойлаштириш вositаларининг маъмурияти томонидан, улар келганларидан кейин бу ерда бўлиш муддатидан ва келишининг даврийлигидан қатъи назар, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида вақтинча рўйхатга олинади.

Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятидаги жойлаштириш вositалари ва давлолаш муассасаларига келган фуқаролар ушбу муассасаларнинг маъмурияти томонидан, улар келган заҳоти бу ерда бўлиш муддатидан ва келишининг даврийлигидан қатъи назар, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида «Е-неһтоп» авtomлаштирилган ахборот тизимида киритиш орқали вақтинча рўйхатга олинади.

38. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча рўйхатдан ўтиш учун фуқаро келган кундан бошлаб ўн беш кун муддатда хоҳишига қўра, ўзига қулай манзилдаги МваФРБга ёки Давлат хизматлари марказларига мурожаат қилади.

Бундан ташқари, фуқаро ЯИДХП орқали мустақил равишда ҳисобга туриши мумкин.

39. Вақтинча рўйхатдан ўтиш учун Давлат хизматлари маркази орқали мурожаат қилинган ҳолларда, турар жой эгаси номидан давлат хизматлари маркази ходими томонидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса, мустақил равишда ушбу Низомга 9-иловага** мувофиқ шаклдаги сўрвнома электрон шаклда тўлдирилади.

Сўрвнома куйидаги ҳужжатларга асосан тўлдирилади: мулкдор ва доимий рўйхатга олинаётган фуқаронинг паспорти ёки ID-картаси;

16 ёшга тўлмаган шахслар учун – турилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг контракт бўйича ҳарбий хизматчисининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун); ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари.

ЯИДХП орқали хизмат қўрсатилганда, ваколатли орган томонидан лозим бўлган маълумотлар идоралараро электрон ҳамкорлик орқали олинади.

Солиқ идораларида ҳисобга олинган ижара шартномаси ҳақида маълумот тақдим этилганда, мулкдорнинг розилиги талаб этилмайди ва сўрвнома вақтинча рўйхатдан ўтувчи фуқаро томонидан тўлдирилиши мумкин.

40. Мулкдор номидан нотариал тасдиқланган ишончнома орқали ҳаракатланаётган шахслар фуқарони вақтинча рўйхатга олиш учун МваФРБга мурожаат қилади.

41. Зарур маълумотлар сўрвномага киритилгандан сўнг аризи учун ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди. Электрон рақамли имзоси бўлмаган ҳолларда, шахсий имзо ёки идентификация қилишининг бошқа вositалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

42. Сўрвномада нотўғри маълумотлар қўрсатилиши (кадастр рақами, паспорт маълумотлари, нотариал тасдиқланган розилик хати), шунингдек, вақтинча рўйхатга олиш учун давлат божини тўламастик вақтинча рўйхатга олишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Бошқа ҳар қандай ҳолат вақтинча рўйхатга олишни рад этишга асос бўлмайди.

43. Давлат хизматлари марказларида сўрвнома тўлдирилган, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига (кейинги ўринларда – ваколатли орган) электрон тизим орқали юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса сўрвнома автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.

44. Сўрвнома ваколатли органнинг электрон тизимига ва Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига келиб тушган вақтдан бошлаб, онлайн тарзда кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри базасидан уй-жой ва фуқаро ҳақидаги маълумотлар текширилади.

Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри базасидан уй-жой ва фуқаро ҳақидаги маълумотлар аниқланмаган ҳолларда, мазкур маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан бир кун ичида идоралараро маълумот алмашинув орқали тақдим этилади.

Текшириш натижасига қўра, ушбу Низомга 10-иловага** мувофиқ Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида вақтинча рўйхатга олиш тўғрисида фуқаронинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатга QR-CODE билан ҳимояланган қайд варағи (кейинги ўринларда – вақтинча рўйхатга олиш тўғрисидаги қайд варағи) тегишли Давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда) ёки ариза берувчига (электрон шаклда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали электрон шаклда юборилади.

45. Қўшимча текшириш талаб этилган тақдирда, ариза берувчи тегишли маълумотнома билан ЯИДХП орқали хабардор қилинади.

Бунда қўшимча текшириш муддати уч кундан ошмаслиги лозим.

46. Давлат хизматлари маркази вақтинча рўйхатга олиш тўғрисидаги қайд варағи келиб тушгандан сўнг уни фуқаронинг электрон манзилига юборида ва бу ҳақда уни ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади.

Фуқаронинг сўровига қўра, унга вақтинча рўйхатга олиш тўғрисидаги қайд варағи қозғ шаклда мурожаат қилинган Давлат хизматлари марказининг мўхри билан тасдиқланган ҳолда тақдим этилиши мумкин.

Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзонинг мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат ҳимояланган идоралараро электрон ўзаро боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

Давлат хизматлари маркази ва ЯИДХП орқали вақтинча рўйхатга олиш мазкур Низомга 11-иловага** мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

47. Вақтинча рўйхатдан ўтиш учун МваФРБга мурожаат қилган фуқаролар куйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мулкдор ва доимий рўйхатга олинаётган фуқаронинг паспорти ёки ID-картаси;

16 ёшга тўлмаган шахслар учун – турилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг контракт бўйича ҳарбий хизматчисининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун); ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари;

Низомга 1-иловага мувофиқ мулкдорнинг турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса.

Солиқ идораларида ҳисобга олинган ижара шартномаси ҳақида маълумот тақдим этилганда, мулкдорнинг турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) талаб этилмайди.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига республиканинг бошқа ҳудудларидан мавсумий иш билан шугулланишга (қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқалар) келган фуқаролар учун мавсумий иш ҳақида шартнома ёки мавсумий иш берувчининг аризаси бўлса, ушбу банднинг олтинчи хатбошисидagi ҳўжатлар талаб этилмайди.

Мулкдор томонидан турар жой майдони бериш тўғрисидаги ариза (розилиги) билан бира ҳисобга туриши лозим бўлган фуқаро

роларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари тақдим қилинганда, ушбу фуқароларнинг шахсан ўзлари келиши талаб этилмайди.

48. Ушбу Низомнинг 46-бандида кўрсатилган тегишли ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилгандан кейин МваФРБ инспектори тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, шу куннинг ўзида аризадаги вақтинча рўйхатга олиш тўғрисидаги қайд варағини беради.

Вақтинча рўйхатга олиш тўғрисидаги қайд варағи фуқаронинг турган жойида вақтинча рўйхатга олинганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланади ва паспорт ёки ID-карта, ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаи ёки тутилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (16 ёшга тўлмаган шахслар учун) тақдим этилган тақдирда, унда кўрсатилган муддат мобайнида ҳақиқийдир.

МваФРБ инспектори вақтинча рўйхатга олиш тўғрисидаги қайд варағини расмийлаштириб беришда фуқарога қайта вақтинча рўйхатга олиш тартибини ва ариза топшириш муддатини тушунтиради.

МваФРБ орқали турган жойи бўйича вақтинча рўйхатга олиш мазкур Низомга 12-иловага** мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

49. 16 ёшга тўлмаган шахсни вақтинча рўйхатга олишни расмийлаштиришда унинг шахсини тасдиқлаганлик учун жавобгарлик ижарага олинган уй-жойда биргаликда яшайдиган вояга етган шахс зиммасига юкланади.

50. Рўйхатга олинмаётган фуқаронинг پاسпорти ёки ID-картасига вақтинча рўйхатга олиш тўғрисида белги қўйилмайди.

51. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига ҳисобга қўйилган фуқаро вақтинча рўйхатга олиш жойида яшashi керак.

52. Таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган фуқаролар турар жойи (уй-жой майдони) бўйича вақтинча рўйхатга олинади. Бунда таълим муассасаси томонидан фуқаронинг ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатдан нусха (16 ёшга тўлмаган шахслар учун тутилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, 35x45 мм ўлчамли иккита фотосурат) ва таълим муассасаси томонидан турар жой билан тазминланганлиги тўғрисида маълумотнома ҳудудий МваФРБга тақдим этилади.

53. Фуқаро таълим муассасасининг турар жойидан бошқа турар жойда яшаш истганини билдирганда, ушбу Низомнинг 46-бандида кўрсатилган тегишли ҳужжатлар асосида фуқаро танланган жойидаги МваФРБ томонидан вақтинча рўйхатга олинади.

54. Вақтинча рўйхатга олиш умумий асосда қайта расмийлаштирилади.

Ушбу Низомнинг 46-бандида назарда тутилган ҳужжатларда нотўғри маълумотларнинг мавжудлиги вақтинча рўйхатга олишни расмийлаштиришни рад этиш учун асос бўлади.

Фуқароларга Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча рўйхатга олиниши рад этилган тақдирда, МваФРБ инспектори томонидан хулоса тузилади. Ушбу хулоса МваФРБ бошлиғи томонидан тасдиқланади, унда рад этишнинг аниқ асослари кўрсатилган бўлиши керак.

Вақтинча рўйхатга олиниши рад этилиши юзасидан суд тартибидан шикоят қилиши мумкин.

55. Вақтинча рўйхатга олиш тўғрисидаги қайд варағи йўқолган ёки бузилган тақдирда, фуқаро тегишли МваФРБга ўз шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатни тақдим этган ҳолда, вақтинча рўйхатга олиш тўғрисидаги қайд варағи бўлиши ёки бузилиши ҳолатларини кўрсатиб, вақтинча рўйхатга олиш тўғрисидаги қайд варағининг дубликатини расмийлаштириш ҳақидаги аризани тақдим этади.

МваФРБ инспектори аризада кўрсатилган жойида ушбу фуқаронинг вақтинча рўйхатга олиниши тўғрисидаги маълумотлар мавжудлигини текширади. Улар тасдиқланган тақдирда, ариза берувчига шу куннинг ўзида вақтинча рўйхатга олиш тўғрисидаги қайд варағининг дубликатини расмийлаштиради.

Қайд варағининг дубликати фуқаро томонидан ЯИДХП орқали электрон шаклда ҳам олиниши мумкин.

56. Вақтинча рўйхатга олиш таълим муассасаси раҳбарияти ва иш берувчининг билдиришномаси, мулкдор ёки фуқаронинг ташаббуси билан бекор қилинади.

57. МваФРБ мулкдорнинг аризаси ёки таълим муассасасининг билдиришномаси асосида фуқаронинг вақтинча рўйхатга олинганлигини бекор қилади.

58. Ўқиб Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан ташқарида жойлашган бошқа таълим муассасасига кўчирилган, фуқаро академик таътил олган ёки таълим муассасасидан ўқишдан четлатилган тақдирда, ушбу муассасалар раҳбарияти тегишли қарор қабул қилинган кунда бу ҳақда фуқаро турар жойи бўйича вақтинча рўйхатга олинган ҳудуддаги МваФРБни хабардор қилиши шарт.

Иш берувчи маъсумий ишчилар билан шартнома бекор қилинган кунда бу ҳақда фуқаро турар жойи бўйича ҳисобга қўйилган ҳудуддаги МваФРБни хабардор қилиши шарт.

59. Ички ишлар органи таянч пунктининг профилактика инспекторлари ўзлари хизмат кўрсатадиган ҳудудда паспорт режими қоидаларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширади.

5-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

60. Ушбу Низом талабларига риоя этилиши ички ишлар органлари ва маҳаллий икром этувчи ҳокимият органлари томонидан назорат қилинади.

61. Давлат ҳокимияти органлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари раҳбарлари доимий рўйхатга олиш масаласи бўйича ички ишлар органига юбориладиган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун жавоб беради.

62. Фуқаролардан ушбу Низомда кўрсатилгандан ташқари бошқа ҳужжатлари тақдим этишни талаб қилиш, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри базасида мавжуд бўлмаган ҳамда кадастр рақами бўлмаган турар жойларга доимий ва вақтинча рўйхатга олиш қатъиян тақиқланади.

63. Фуқарони доимий ва вақтинча рўйхатга олишда унинг кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларига оид маълумот давлат реестри базасидан жисмоний шахсининг шахсий идентификация рақами орқали олинади. Мазкур рақам орқали тегишли маълумотни олиш имкони бўлмаганда, фуқародан кадастр рақамини тақдим қилиш талаб этилади.

64. Фуқароларни нотурар жой биноларга доимий ва вақтинча рўйхатга олиш тақиқланади.

Корхона, ташкилот ёки ўқув муассасаларининг тасарруфидоги уй-жойлар, ётоқхоналарга фуқароларни Рўйхатнинг 6-8-бандларига асосан доимий рўйхатга олиш ҳамда турган жойи бўйича вақтинча рўйхатга олиш мазкур корхона, ташкилот ёки ўқув муассасасининг рухсат хати (розилги) асосида амалга оширилади.

65. Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олинмаган фуқароларнинг яшashi учун турар жой майдони тақдим этадиган мулкдор турар жой майдони берилган кундан бошлаб, ўн беш кун мобайнида ушбу шахслар тўғрисида ички ишлар органларини хабардор қилиши шарт.

66. Чегара зонасида жойлашган аҳоли пунктларида доимий ва вақтинча рўйхатга олиш учун ушбу зонага киришга яшаш жойи бўйича ички ишлар органларидан чегара зонасига киришдан олдин белгиланган тартибда олинган рухсатнома ҳам тақдим этилади.


67. Фуқарони доимий ва вақтинча рўйхатга олиш, доимий рўйхатга олинганликни бекор қилиш белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида ҳам амалга оширилиши мумкин.

68. Чақирилувчилар ва ҳарбий хизматта мажбурлар ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари асосида доимий ёки вақтинча рўйхатга олингандан сўнг МваФРБ томонидан тегишлилиги бўйича туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимига электрон тизимда мазкур Низомга 3 ёки 9-иловаларига мувофиқ шаклда сўровнома юборилади. Мудофаа ишлари бўлими мазкур сўровнома асосида ҳарбий хизматта мажбурлар ҳамда чақирилувчиларни ҳарбий рўйхатга олади ва ҳарбий ҳисобдан чиқариш тўғрисида олдинги ҳарбий рўйхатда турган мудофаа ишлари бўлимига хабарнома юборида.

Чақирилувчилар ва ҳарбий хизматта мажбурлар томонидан ҳарбий ҳисоб ҳужжатларини тақдим этмаслик доимий рўйхатга олиниши рад этишга асос бўлади.

69. Бир нечта уйга ёки квартирага эга бўлган мулкдор улардан фақат биттасига доимий рўйхатга олиниши мумкин.

70. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.»



Локал стандарт

Корхона локал ҳужжат кўринишида стандартни тасдиқлаши мумкинми? Қандай ҳолларда стандарт қабул қилинади ёки тасдиқланади?

– Ўзбекистонда қуйидаги тоифадаги стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар қўлланилади («Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси):

> халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар;

> Ўзбекистон давлат стандартлари;

> ташкилотлар стандартлари.

Корхона ягона ҳисоб юретиш, ички ҳужжатларни тизимлаштириш мақ-

садида ички стандартларни ишлаб чиқади. Улар корхона раҳбарияти томонидан тасдиқланади ва локал ҳужжат ҳисобланади.

Бундан келиб чиққан ҳолда корхона ўз стандартларини локал ҳужжат кўринишида белгилаши мумкин. Бунда корхонанинг локал ҳужжатлари амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зид бўлмаслиги кераклигини ҳисобга олиш лозим.

Мухрдан қаерда фойдаланиш керак

Жамиятда иккита – асосий ва ёрдамчи («ҳужжатлар учун») муҳр мавжуд. МЧЖ муҳрдан фойдаланиши ҳужжатлар билан бекор қилинган бўлса-да, амалиёт бунинг аксини кўрсатмоқда. Қандай ҳужжатларга асосий ва ёрдамчи муҳрлар қўйилади ҳамда Низом (АВ томонидан 27.10.2001 йилда 1077-сон билан рўйхатдан ўтказилган) бекор қилинган ҳолатда қайси ҳужжатларга амал қилинади?

– 2018 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлик фаолияти соҳасида бир қатор лицензияланган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари бекор қилинган (Рўйхат, 11.04.2018 йилдаги ПФ-5409-сон Фармонга 1-илова). Ушбу рўйхатга, бошқалар қаторида, муҳр ва штампларни тайёрлашга рухсатнома, шунингдек муҳр ва штампларни (Ўзбекистон Давлат герби тасвири туширилган муҳрлар бундан мустасно) бекор қилиш тўғрисидаги қитанция ҳам киритилди. Муҳр ва штампларни тайёрлаш, сақлаш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом ҳам ўз кучини йўқотган (АВ томонидан 27.10.2001 йилда 1077-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Бундан ташқари, барча ҳужжатлар шакллари ва бланкаларида муҳр қўйилишига оид талаб чиқариб ташлан-

ди (5.02.2019 йилдаги ПҚ-4160-сон Қарорнинг 3-банди).

Буни эътиборга олиб, кўпгина НХҲга тегишли қўшимчалар киритилган. Бугунги кунда муҳрлардан фойдаланишни тартибга солувчи ягона НХҲ мавжуд эмас. Хўжалик юритувчи субъектнинг муҳр қачон ва қандай ҳужжатларга қўйилиши лозимлиги ҳар бир НХҲда алоҳида кўрсатилган. Улар давлат ташкилоти бўлмаган тадбиркорлик субъектига тааллуқли бўлганда, «муҳр мавжуд бўлганда» деган жумла келтирилади.

Ёрдамчи штамплар ва муҳрлардан фойдаланилиши юридик шахснинг локал ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Шу тариқа, давлат томонидан тадбиркорлик субъектларига муҳрдан фойдаланиш борасида мустақил танлаш ҳуқуқи берилди.

Нурали Нурмухамедов, «Норма» МЧЖ эксперти.

Реклама

«КОРХОНА ЮРИСТИ»

электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз
Тошкент ш. Миробод тумани, Таллимаржон кў.ш., 1/1. Бел. (71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz



Ижарага берувчининг розилиги билан

МЧЖ қўшма корхонаси (ишлаб чиқариш ва умумий овқатланиш) жисмоний шахслардан биноларни ижарага олади. Covid-19 вируси тарқалганлиги туфайли корхона ўз фаолиятини тўхтатди. 2020 йилдаги ПФ-5969-сон Фармонга асосланган ҳолда, ижарага берувчиларга тўловни амалга ошириш имконияти йўқлиги ҳақидаги хатлар юборилган. Коронавирус пандемияси даврида карантин чоралари қўлланилганлиги туфайли ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат мулкidan фойдаланганлик учун ижара тўловлари ҳисобланиши ва ундирилиши тўхтатиб турилади (3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон).

Карантин даврида МЧЖ қандай ҳужжатга асосан жисмоний шахслардан кўчмас мулкни ижарага олувчи сифатида ижара тўловини ва ЖШДСни ҳисобламаслиги мумкин?

– Ижарага олинган бинонинг мулкдори билан қўшимча битим тузиб, ижара тўловини тўхтатиб туриш мумкин.

Саволда кўрсатилган ижара тўловини тўхтатиб туриш имконияти фақат ижарага олинган давлат мулкига тааллуқли ҳисобланади (3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон Фармоннинг 15-банди).

Сиз хусусий шахсдан бинони ижарага олганлигиниз сабабли ушбу имтиёздан фойдалана олмайсиз.

Қўриб чиқилаётган ҳолатда сиз ижарага берувчининг розилигини олиб ва у билан ижара шартномасига қўшимча битим тузиб, ижара тўловларини тўхтатиб туришингиз мумкин.

Солиқ инспекцияси талабнома юбориши шарт

ХКнинг шахсий карточкасида ДСИ томонидан камерал текшируве ҳужжатларига асосан фойда солиғи бўйича қўшимча ҳисобланган сумма аниқланди. ХК бунга эътироз билдириб, СКнинг 138-моддаси 7 ва 9-қисмларига мувофиқ ДСИ тафовутларни аниқлаштириш учун талабнома юбориши лозимлигини айтган. ДСИда бунга жавобан СКнинг 138-моддаси 18-қисмига асосан улар ДСҚнинг кўрсатмасига биноан огоҳлантиришсиз қўшимча ҳисоблашга ҳақли эканликларини айтишган.

ДСИ солиқ ҳисоботида хатolik аниқланганда, солиқ тўловчига талабнома юбормасдан камерал текшируве ҳужжатида асосан қўшимча ҳисоблашга ҳақлими?

– Йўқ, ҳақли эмас.

Камерал текшируве ўтказиш чоғида ва текширилувчининг солиқ ҳисоботида тафовутлар ёки хатолар аниқланган бўлса, солиқ органи тузатишлар киритиш талабномасини юборади. Текширилаётган солиқ тўловчи 10 кунлик муддатда ёки ҳисоботларга тузатиш киритиши ёхуд тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этган ҳолда аниқланган тафовутларнинг асосномасини тақдим этиши шарт (СК 138-м. 7, 9-б.).

Сизнинг ҳолатда солиқ инспекцияси СКнинг 138-моддаси 18-қисмига

ҳавола қилишга ҳақли бўлмаган, чунки ушбу қисмда камерал текшируве ўтказилиши тўғрисидаги низом ДСҚ томонидан тасдиқланиши ҳақида сўз боради. Жорий даврда ушбу низом тасдиқланмаган, фақат норматив ҳужжат лойиҳаси мавжуд. Бундан ташқари, ушбу қисм солиқ органларига фақат ДСҚнинг кўрсатмачига қўра талабнома юбормасдан қўшимча ҳисоблаш ҳуқуқини бермайди.

Солиқ инспекциясининг ҳаракати устидан юқори турувчи солиқ органига ёки судга шикоят қилишингиз мумкин.

Фаолият шакли турлича бўлиши мумкин

Хусусий болалар боғчаси 16 мартдан карантинга ёпилган. Муассаса карантин даврида мактабгача таълим соҳасида хизматларни масофавий тарзда, бундай хизматлар уставда кўрсатилмаган бўлса ҳам, кўрсатиши мумкинми?

– Ҳа, мумкин.

Қўриб чиқилаётган ҳолатда мактабгача таълим соҳасидаги масофавий хизматлар – бу янги фаолият тури эмас, балки айнан ўша фаолият шаклидир.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам тадбиркорлик субъектлари қонун ҳужжатларида тақиқланмаган исталган фаолиятни амалга оширишга ҳақлидир.

Таъсис ҳужжатларида фақат асосий фаолият турларини санаб ўтиш мумкин. Юридик шахслар таъсис ҳужжатларида кўрсатилмаган фаолият турлари билан ҳам шуғулланишлари мумкин («Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддаси).

Альберт Сафин, «Норма» МЧЖ эксперти.

Отгул қандай берилиши керак

Ходим дам олиш кунида ишга жалб этилган бўлса, отгул олишга ҳақлими? Тўлиқ иш куни ишланмасдан, жами 3 соат ишланганда отгул давомийлиги қандай бўлади?

Ходим дам олиш кунида жами 1 соат ишлаган бўлса-да, бутун иш кунига отгул олишга ҳақлидир. Мазкур вазиятда отгулни расмийлаштиришнинг ўзига хос жиҳатларини «Norma» компаниясининг меҳнат ҳуқуқи бўйича эксперти Ленара Хикматова тушунтириб берди.

Дам олиш кунларидаги ишларга айрим ходимларни ва фақат зарурат бўлгандагина, жамоа шартномасида белгиланган асослар ва тартиб бўйича жалб этиш мумкин. Жамоа шартномаси тузилмаган бўлса, ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишган ҳолда иш берувчи томонидан ишга жалб этиш тартиб-таомиллари белгиланади. Дам олиш кунида ишлаганлик учун компенсация тўланиши лозим (МК 130-м. 1, 3-қ., 157-м.).

Икки барабар ставка ёки отгул

МКнинг 157-моддасига мувофиқ дам олиш кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдориди ҳақ тўланади. Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади. Яъни локал тартибда дам олиш кунидаги ишлар учун икки ҳиссадан ҳам ошқроқ миқдорда тўлов назарда тутилиши мумкин. Шу билан бир вақтда ходим икки ҳисса тўлов ўрнига қўшимча дам олиш кунини (отгул) берилишини сўрашга ҳақлидир. Мазкур ҳолатда дам олиш кунидаги ишларга бир ҳисса миқдориди ҳақ тўланади.

Отгул – иш вақтидан ташқари вақтда ишлаганлик ёки навбатчилик учун ходимга тақдим этиладиган дам олиш вақти.

Шу тариқа, ходимда дам олиш кунидаги меҳнатини компенсациялашнинг 2 варианты мавжуд: ёки унга бир ҳисса миқдорда ҳақ тўланади ва қўшимча дам олиш кунини берилади ёхуд отгул берилмасдан икки ҳисса ҳақ тўланади.

Бир соатлик ишга бир кунлик отгул

Ходим дам олиш кунидаги ишлар учун бир ҳисса тўловдан ташқари қўшимча дам олиш кунини танлаган тақдирда, дам олиш кунидаги иш қанча вақт – бир кун ёки фақат 1 соат давом этганлигига қарамай, унга бир кун отгул берилиши лозим. Бундай ҳулоса МКнинг 157-моддаси 2-қисми мазмунидан келиб чиқади. Ушбу моддада иш вақтидан ташқари вақтда ишланган ҳолатлардаги сингари «дам олиш кунида ишланган соатларга мутаносиб миқдордаги дам олиш соатлари» ҳақида эмас, балки «дам олиш кунини» тўғрисида айтилган.

Яъни дам олиш давомийлиги ва дам олиш кунидаги ишлар давомийлиги ўртасида боғлиқлик мавжуд эмас. Ҳар қандай ишланган вақт учун ходимга дам олиш учун тўлиқ кун берилади.



Қачон отгул олиш мумкин

Меҳнат кодексиди отгул бериш муддатлари бўйича чеклов нормалари белгиланмаган. Шу боис ходим иш берувчи билан келишган ҳолда, исталган вақтда қўшимча дам олиш кунини олиши мумкин.

Масалан, ходим дам олиш кунини ишлаган ойда ёки ундан кейинги ойларида отгул олиши мумкин. Бироқ яна бир муҳим жиҳати бор. Ходим дам олиш кунини ишга чиққан ойда отгул олиш учун ариза ёзиши лозим, сабаби ариза тегишли тўловни ҳисоб-китоб қилиш учун асос ҳисобланади. Ариза бўлмаганда, бухгалтерия жорий ой учун дам олиш кунидаги ишлар учун икки ҳисса миқдорда ҳақ ҳисоблаши керак.

⚠ Отгул олиш учун ариза ходимга отгул олиш ҳуқуқи берилган ойда ёзилган бўлиши лозим.

Шунингдек отгулни йиллик таътил ёки ҳафталик дам олиш кунларига қўшиб тақиқланмаган. Ягона чеклов: қўшимча дам олиш тақдим этилиши ишлаб чиқаришга зарар етказмаслиги лозим, шу боис отгулдан фойдаланишнинг аниқ санаси ҳақидаги масала иш берувчи билан келишган ҳолда ҳал этилиши керак.

⚠ Ходим иш берувчи билан келишмаган ҳолда дам олиш вақтини мустақил танлаб ишга чиқмаган бўлса, бу раҳбарият томонидан ишга чиқилмаган ҳолат деб баҳоланади ва ишдан бўшатишгача бўлган интизомий жазо қўлланилиши мумкин (МК 181-м.).

Отгул қандай расмийлаштирилади

Амалдаги меҳнатга оид қонун ҳужжатларида ходим дам олиш кунидаги ишлар учун компенсация сифатида отгул олиш истагини маъмуриятга қандай шаклда (оғзаки ёки ёзма) билдириши лозимлиги белгиланмаган. Бироқ келгусида низоли вазиятлар келиб чиқилишининг олдини олиш учун ходимдан ёзма ариза (*buxgalter.uz* сайтидаги намунага қаранг) олиш мақсадга мувофиқ. У ҳар қандай ҳолатда ҳам тасдиқловчи ҳамда ходимнинг қўшимча дам олиш кунини олиш истагини ифодаловчи ҳужжат ҳисобланади.

Ариза ташкилот раҳбари ёки ушбу масalani ҳал этиш ваколатига эга бўлган масъул шахс номига эркин шаклда ёзилади. Шунингдек аризада ходим ишдан озод этилиши учун асос ва отгул олиниши истаги билдирилган аниқ сана кўрсатилади.

Компаниянинг корпоратив сиёсати талаб этадиган бўлса, отгул олиш учун ариза ходимнинг бевосита бошлиғи билан ҳам келишилади.

Аризага асосан отгул тақдим этиш ҳақида буйруқ (*buxgalter.uz* сайтидаги намунага қаранг) чиқарилади. Унда отгул берилиши учун асос кўрсатилади, мавжуд тасдиқловчи ҳужжатларга ҳавола келтирилади, қўшимча дам олиш санаси ва давомийлиги белгиланади. Буйруқ раҳбар ёки бошқа ваколатли шахс томонидан имзоланди. Ходим, кадрлар ишини юритадиган ҳамда ишга келиш-кейтиш ҳисобини юритишга масъул бўлган мутахассис, шунингдек бухгалтер буйруқ билан таништирилади.

Реклама ва эълон

«КИЧИК КОРҲОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»
Ўзбек тилидаги қўллашмасини тақдим этамиз
Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўчи, 1/1. Тел.: (71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

«Жавоб берамиз» инфокиоскига хуш келибсиз

Солиқ солиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳуқуққа оид мавзулардаги саволларингизга электрон қўлланимлар ва газета материаллари муаллифлари жавоб берадилар.

Жавобларни norma.uz сайтидаги «Жавоб берамиз» эксперт хизмати электрон ахборот киоскидан топасиз.

Саволларни қуйидагича бериш мумкин:

- ✓ аввал norma.uz сайтида рўйхатдан ўтиб, мурожаатни электрон қўринишда жўнатган ҳолда;
- ✓ (71) 200-00-59 бевосита алоқа телефони орқали (душанбадан жумагача соат 10.00 дан 17.00 гача).

Иқтисодий ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ
ХУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ
ТАЪСИСЧИ «НОРМА» МЧЖ
Газета 2019 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўчи, 1/1,
Таҳририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ётказиб бериш ва харид қилиш
масалалари бўйича (71) 200-00-30;
«НОРМА» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;
Рекламини жойлаштириш бўйича
(71) 231-07-91 телефон рақамлари
муражаат қилиш мумкин.

Газета ношир – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 186. Қўғоқ бичими – А3. Ҳужайи – 2 босма таъбиқ. Басҳоси яшилдирилган нарҳда.
Буюртма г-622. Адади 550. Газета 2020 йил 1 июнь соат 15:30 да топширилди.